

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида битирувчиларга диплом топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди.

• Toshkentдаги «Наврўз» саройида гўзаллик саноатининг «Beauty Expo Uzbekistan – 2010» номли халқаро кўргазмаси очилди. Ушбу нуфузли анжуманда Бельгия, Болгария, Греция, Ҳиндистон, Италия, Россия, АҚШ каби жаҳоннинг 17 та мамлакатидан 50 дан ортиқ хорижий фирма ва компаниялар иштирок этмоқда. Кўргазма давомида кўплаб шартномалар тузилмоқда, мутахассисларнинг консультациялари ташкил этилмоқда.

• Наманган шаҳридаги «Навбахор» стадионида ёшлар ўртасида гивандликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ёшлар акцияси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Камолот» ЁИХ вилоят Кенгаши ҳамда «Ўзбекнаво» бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда 10 минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди.

• Жорий йилда Сирдарё вилотидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 2 мингдан ортиқ ўқувчилар ҳордиқ чиқаради. Уларнинг 90 фоизга яқинини кўп болали ва кам таъминланган оилалар, Гулистондаги болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари каби ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар ташкил этади.

• Гулистон туманидаги Усмон Носир ва Бешбулоқ маҳаллалари, Сайхунобод туманидаги Амир Темур маҳалласи, Мирзаобод туманидаги Пиллакор маҳалласи ҳамда Сирдарё шаҳрининг Пахтакор кўчасига янги тармоқлар тортилиб, аҳолининг газ таъминоти яхшиланди. Натига бир неча юзлаб хонадонга беминат «зангори олов» кириб борди.

• Термизда соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг Сурхондарё вилоти спартакиадаси бўлиб ўтди.

• Нукус шаҳрида йўл ҳақи учун пластик картоқчалар орқали тўловни амалга ошириш мақсадида таксиларга терминаллар ўрнатилди. Таъкидлаш керакки, ҳозирда Қорақалпоғистон пойтахтида 66 та йўналиш бўйича микроавтобуслар ҳаракати йўлга қўйилган, 800 та автотаксилар аҳолига намунали транспорт хизматлари кўрсатмоқда.

• Сурхондарё вилоти Олтинсой туманида субтропик ўсимликларни етиштириш бўйича илмий-амалий марказ ўз фаолиятини бошлади.

ЖАҲОНДА

• АҚШ Президенти Барак Обама Эронга нисбатан бир томонлама жазо санкцияларини кучайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини имзолади. Бунга Эрон ядро энергиясини бойитиш юзасидан ўз эҳтимолига олган мажбуриятларини бажармаётганлиги сабаб бўлди.

• Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху фаластинликлар томонидан қўлга олинди, тутқунликда сақланаётган Исроил ҳарбийси Гилад Шалитга мингта Фаластин маҳбусларини алмаштиришга рози эканлигини таъкидлади. У Германия воситачилигида бу борадаги битим деярли тайёр эканлигини айтиб ўтди.

• Кеча Покистоннинг Лаҳор шаҳридаги мечитда учта камикадзе томонидан кетма-кет портлашлар содир этилиши натижасида 40 нафар одам ҳалок бўлди, 200 га яқин киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

• Сомалида ҳукумат армияси ва «Аш-Шабах» радикал жангарилар гуруҳи ўртасида кечган қуроли тўқнашувлар 31 кишининг ҳаётига зомин бўлди, бир неча ўнлаб одам яраланди.

• Одесса музейидан Караваджоннинг «Исонинг қамоққа олиниши» картинасининг йўқолиши муносабати билан Украинада 20 киши қамоққа олинди. Айтиш керакки, ушбу асар 25 июнь куни Украина-Германия ҳуқуқ-тарғибот идораларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари туфайли Берлиндан топилган эди. Санъатшунослар картинанинг ҳақиқийлигини тасдиқлашди. Маълумотларга кўра, бу асарнинг нархи қора бозорда 100 миллион долларгача баҳоланиши мумкин.

• Япониянинг «Toyota» йирик автоконцерни жорий йилда ишлаб чиқарилган ва сотилган «Lexus» русумидаги «HS250h» модел автомобилларининг ёниги тизимида аниқланган носозлик боис 17 мингта машинани қайтариб олишга қарор қилди.

Тошкент Оқшомми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСIIЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 128 (11.689)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ватанга хизмат — муқаддас бурч

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимиз Қуроли Кучларини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бугунги кунда миллий армиямиз сафларида мард ўғлонлар Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусофоллиги йўлида хизмат қилмоқда.



ОҚ ЙЎЛ, АКАДЕМИЯ БИТИРУВЧИЛАРИ!

Ислохотлар самараси ўлароқ профессионал кадрларни тайёрлаш, барча бўғиндаги командирларнинг малакасини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган тизим яратилиб, унинг асосида ташкил этилган олий ҳарбий билим юрталарида ўқитиш жараёнлари энг замонавий шакл ва услублар, ахборот-коммуникация, компьютер технологияларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Қуроли Кучлари академияси 1994 йилда ташкил топган бўлиб, бу ерда олий тоифали, кўшинлар бошқарувига қодир офицер кадр-

лар тайёрланади.

Мазкур олий ҳарбий юрти замон талабларига жавоб берадиган моддий-техник негизга эга. Академияда таълим илгор педагогик технологиялар асосида олиб борилади, соҳа бўйича илмий тадқиқотлар юритилади, ҳарбий назария ва амалиёт уйғунлашган ҳолда ўқитилади. Бунда, албатта, ўқув муассасасининг ўз соҳаси усталари, катта билим ва тажрибага эга профессор-ўқитувчиларнинг хиссаси алоҳида эътиборга молик.

Кўни кеча Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Қуроли Кучлари академиясининг навбатдаги битирув-

чиларига диплом ва кўкрак нишонларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган академия ўқитувчилари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари, оила аъзолари она-Ватан ва халқимизга садоқат билан хизмат қилишга бел боғлаган, халқимиз тилида суйиб айтилганидек, оёқ-қўлидан ўт қанаётган офицерларнинг дил сўзларини фахр билан тинглаб, уларга мустақил юртимиз тинчлиги йўлидаги мардондор хизматларида муваффақиятлар тилдидилар.

(Давоми 2-бетда).

2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

МАНГУ ИФТИХОР МАНБАИ

Мамлакатимиз истиклолга эришгач, ўз давлат рамзларига эга бўлди. Уларда халқимизнинг маънавий-маданий мероси, тарихи, урф-одат ҳамда анъаналари, орзу-умидлари, эзгу мақсадлари мужассамдир. Давлатимизнинг Байроғи, Мадҳияси, Конституцияси, миллий пули каби Герби ҳам ана шундай муқаддас тимсоллардандир.



Президентимиз Ислам Каримов 1992 йилнинг 2 июлида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунга имзо чекди.

Мазкур ҳужжатга асосан, гербимиз тасвири Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, давлат қўмиталари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари бинолари, хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари пештоқига ўрнатилган.

Гербимиз тасвири давлат идораларининг муҳр ва бланкаларида, расмий нашрларда, миллий пул, қимматли қоғозлар ва облигацияларда, почта маркаларида, фуқаролик паспортларида акс эттирилади. Мамлакатимиз давлат chegarаларида барпо этилган салобатли дарвозалардаги Давлат герби барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербида халқимизнинг тарихи, орзу-истаклари, қадриятлари, турмуш тарзи, юртимизнинг гўзал табиати акс этган. Ундаги ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъно бор.

Гуллаган водий узра қўшининг заррин нур сочиб тургани серкўёш заминимиз, нурафшон ўлкамиз ифодасидир. Пул-виқор тоғлар оралиб оқётган дарёлар элимиз қўзлаган марраларнинг сарбаландлиги, халқимизнинг ризқ-рўзи бутунлиги далолатидир. Гербнинг юқори қисмида саккизбурчак ичида мовий осмондаги ярим ой ва юлдуз акс этган. Бу миллий анъана ва қадриятларимизнинг боқийлиги, маънавиятимиз юксаклиги, ирода ва эътиқодимиз мустаҳкамлигига ишоратдир.

Чамбар ичида чаноқлари очилган гўза шохлари ҳамда бугдой бошоқлари тасвирланган. Пахта ва галла фаровонлик, тўкинлик, мўл-қўлчилик манбаи ҳисобланади. Қолаверса, бу қадимдан она заминимизда деҳқончилик маданияти тараққий этгани, мамлакатимизнинг бугунги салоҳиятини ўзида ифодалайди.

Гербимиз марказида саодат, эрксеварлик, ҳиммат, олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Хумо қўшининг қанотларини ёзиб парвозга шайланиб тургани тасвирланган. Давлатимиз гербининг пастки қисмида, байроғимизни ифодаловчи чамбар бандига барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган «Ўзбекистон» сўзи битилган.

Барча давлат рамзаларимиз қатори герб ҳам халқимизнинг шайну шавкати, гурури, ор-номуси, тарихий хотираси ва орзу-умидларини ўзида мужассам этган. У олий саодат — истиклолимиз рамзи, ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон учун чекисиз фахру ифтихор манбаидир.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунда мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган ўзга шахслар давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт экани белгилаб қўйилган.

Зеро, Ватан тимсоллари миллий гуруримизни юксалтиришга, она дёримизга бўлган муҳаббат ва садоқатимизни кучайтиришга, келажагимизга ишончимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олим ТўРАКУЛОВ,
Ўза шарҳловчиси

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ: ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Халқаро ҳамкорлик марказида 1 июль кuni Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Франция ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодий, савдо, сармоя, нефть-газ, банк-молия, машинасозлик, авиасозлик, табиий ресурсларни ўзлаштириш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, авиаташув, геология, фармацевтика, тўқимачилик, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, суғурта, кимё, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Э.Фаниев мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

«NEW EUROPE» ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Бельгияда нашр этиладиган «New Europe» ҳафтаномаида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди.

Жумладан, «Ўзбектелеком»нинг соф фойдаси 10,4 миллиард сўмга ошди» сарлавҳали мақолада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Кузатув кенгашининг компания ижроа органлари раҳбарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари иштирок этган йиғилиши ҳақида хикоя қилинади. Унда компаниянинг 2010 йил биринчи чораги давридаги молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари ҳамда Кузатув кенгаши ваколати доирасига кирувчи бошқа масалалар қўриб чиқилгани айтилади. Таъкидланадики, ҳисобот даврида компания фойдаси 68,7 миллиард сўмни (2009 йилнинг шу давридагига нисбатан таққослаганда 108,8 фоизни) ташкил этиб, режа 104,9 фоизга бажарилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида умумҳўжалик фаолиятдан 12,5 миллиард сўм фойда қўрилган ва соф фойда 10,4 мил-

лиард сўмни ташкил этади.

2010 йилнинг биринчи чорагида сарфланган 14 миллион сўмдан зиёд капитал қўйилмалар, жумладан, 4,3 миллион сўм компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан, 44 миллион сўм аҳоли маблағларидан ва 9,6 миллион сўм хорижий кредитлар ўзлаштирилган.

«Ўзбекистон Марказий банки қайта молиялаш ставкасини 14 фоизда қолдирди» сарлавҳали мақолада 2010 йилдаги мониторингнинг асосий йўналишларидан, шунингдек, асосий та-

шқи иқтисодий шароитлар ва пул массасини тартибга солишга хизмат қилувчи инфляция ҳамда девальвация босимининг камайишини таъминлаш мақсадида инфляциянинг мавжуд ва кутилган даражасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Марказий банки қайта молиялаш ставкасини 14 фоизда сақлаб қолгани таъкидланади.

«Ўзбекистон 2011 йилга бориб электр энергиясини ҳисобга олишнинг модернизация қилади» мақолада Чехиянинг «Inekon Power» - «Sitronics» компанияси ва «Ўзе-

кэнерго» давлат акциядорлик компанияси ўртасида имзоланган электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини йўлга қўйиш ва Ўзбекистонда электр энергияси истеъмолчини назорат қилиш борасида стратегик шериклик тўғрисидаги меморандум ҳақида сўз юритилади.

Таъкидланадики, лойиҳани амалга ошириш келгуси йилдан бошланади ва бир йилга мўлжалланган бўлиб, унинг қиймати 34,8 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

«Жаҳон» АА

ҚИСКА САТРЛАРДА

✓ **БЕКТЕМИР** туманидаги

293-мактаб қошида ташкил этилган ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳига Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлими томонидан спорт анжонлари тўхта этилди.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Сергели тумани бўлими ташаббуси билан тузилган «Саховатли ёшлар» гуруҳи томонидан шу кунларда вояга етмаганлар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган ёшлар ва қаришлар ҳрлидан хабар олиш, уларга кўмак бериш тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

✓ **БУГУН** Юнусобод туманидаги 235-мактаб қошида ташкил этилган ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Ёз—ўтмоқда соз» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **МИРЗО УЛУФБЕК** саноат касб-хунар коллежида Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театри ижодий жамоаси билан учрашув бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Кутубхонанинг инсон маънавиятининг юксалишидаги ўрни беқийс. Китоб дунёқарашимизни ўстириши билан бирга бизни комилликка етаклайди.

КУТУБХОНАЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Жорий йилнинг 5-13 июнь кунлари Украинанинг Крим автоном республикаси Судак шаҳрида «Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида кутубхона ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш» мавзусидаги халқаро анжуман ўтказилди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбирда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси мутахассислари Улугбек Каримов ва Умида Тешабоевалар иштирок этди.

— Анжуманда Озарбойжон, Арманистон, Буюк Британия, Белоруссия, Германия, Грузия, Польша, Нидерландия, Россия, Словакия, АҚШ, Финляндия, Швейцария, Швеция, Молдова, Қозғистон, Украина, Қирғизистон, Литва, Чехия давлатларидан келган кутубхоначилар, музей ва архив иши мутахассислари, ноширлар, олий ўқув юрти ўқитувчилари қаторида катнашдим, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига Умида Тешабоева. — Ушбу йрик анжуман доирасида кутубхона фаолиятига қаратилган турли урчушув, давра сўхбатлари ва семинар-тренинглари ўтказилди. Кутубхоначилик соҳасининг барча жабхалари, жумладан, кутубхоналар ишини автоматлаштириш, электрон каталогни тўғри ташкил қилиш ва янада ривожлантириш, электрон кутубхоналар ва электрон маълумотлар базасини яратиш, кутубхоналарнинг ноширлик фаолияти каби масалалар муҳокама қилинди. Мутахассислар маърузаларида мавзуларнинг илмий ва амалий томонларига алоҳида эътибор қаратишди.

Умида Тешабоева халқаро анжуманда Урта Осиё библиографиясини ўрганиш ва ривожлантиришга ҳисса қўшган

библиограф-олим Е.Бетгер фаолиятига бағишланган маъруза билан қатнашиб, мутахассисларнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлди. Маъруза Россияда чоп этиладиган «Научные и технические библиотеки» журналида нашр этиш учун тавсия этилди.

Улугбек Каримов эса нафақат маърузаси билан иштирок этди, балки кутубхоначилик соҳасидаги энг нуфузли ҳисобланган ушбу анжуманнинг «Автоматлаштирилган ва корпоратив кутубхона тизимлари ва технологиялари» секциясининг раиси сифатида иш олиб борди.

— Анжуман доирасида Кримнинг Богчасарой, Қўқтебел, Симферополь, Феодосия шаҳарлари кутубхоналари фаолияти билан ақиндан танишдик. Ялта, Алушта шаҳарларига саёҳат давомида Гаспринский номидаги Крим-татар кутубхонасида бўлдик, — давом эттирди У. Тешабоева. — Кўпчилик кутубхоналар фаолияти тўлиқ автоматлаштирилган, штрихли кодланган ва алоҳида эътироф этиш мумкин бўлган жиҳат, ягона китобхон чиптаси мавжуд бўлиб, бу хоҳлаган олий ўқув юрти ёки марказий кутубхоналардан фойдаланишга имкон беради. Ягона китобхон чиптаси тизимининг афзал жиҳати — ўқувчига ахборот излашда қулайлик яратади. Айна пайтда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси янги биноси ҳозирланмоқда. Биз ҳам шу каби ўзгаришлар арафасида турибмиз. Анжуманда жаҳоннинг илгор тажрибаларини ўрганиб, ўзимизда эришган муваффақиятлар билан ўртоқлашдик.

Рахона ТОШПҲЛОВА

ОҚ ЙЎЛ, АКАДЕМИЯ БИТИРУВЧИЛАРИ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Хизматни давом эттиришга киришар эканман, академияда олган билим ва кўник-маларим менга катта қўмақ бўлади, — дейди майор Ихтиёр Саидов. — Ушбу даргоҳда тажриба орттирдим, кучли ва матонатли бўлишнинг сир-асорини янада пухта эгалладим. Бор куч ва ғайратини Ватанимиз остонасини муқаддас сақлаш, юртимиз мудо-фаа салоҳиятини юксалтириш, тинчликдек улуг неъматни асраб-авайлашга сафарбар этаман.

Олий ҳарбий малака соҳиблари Мухаммадали Қосимов, Рустам Турсунов, Латиф Шарипов — барча академия битирувчилари устозлари, ота-оналари олдида садқот билан хизмат қилишга яна бир бор қасамд қилдилар.

Тинчлик-осойишталикни қадрлаш ва сақлашга қодир ўғлонлар юрт таянчи, келажагимизнинг ишончли қалқонидир. Улар бор экан, хур дёғиримиз узра тинчлик-тотувлик байроғи мангу ҳилпираб, барчани эзгу ишларга чорлайди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
Козим Улмасов олган сурат

Тошкент автомобиль йўллари институтида «Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ривожланиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Германиянинг «In Went» малака ошириш ва ривожлантириш халқаро жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«In Went» малака ошириш ва ривожлантириш жамияти 2008 йилдан буён Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келаётир. Мақсад иқтисодиёт, экспорт, транспорт, логистика ҳамда инвестицияларни жалб қилиш, худудий ривожлантириш борасида иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган мутахассислар ва бошқарув кадрлар малакасини оши-

ришдан иборат.

Жорий йил май ойида ҳам «Транспорт ва логистика», «Минтақавий иқтисодий ривожланиш» мавзуларидаги дастлабки семинарлар бўлиб ўтган эди. Унда 58 нафар мутахассис малакаси оширилди.

Навбатдаги семинарда «Бизнес хизмат кўрсатиш таъминотчилари» мавзусида сўз бориб, ташкилий тузилмани янада такомиллаштириш, жараёни таҳлил қилиш, стратегик ривожлантириш, топшириқни бажариш ва ривожлантиришга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Эргаш ХҲҲАЕВ,
«Туркистон-пресс»

Ёшлар — келажагимиз

ОРЗУЛАР САРИ ИЛДАМ ҚАДАМ

Биз бугун шундай замонда яшаймизки, нимани ният қилиб, унга интиласак, албатта орзуларимизга етишамиз. Келажақда малакали журналист бўлиб, шу соҳа орқали мамлакатимиз тараққийига ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилган Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиблари Фариди Раҳимов ва ўз орзулари сари илдам қадам ташлаётган ёшларимиздандир. Тинимсиз изланишлари натижасида ўтаётган ўқув йилида у Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Фариданинг мактаб чоғидан бадиий ва публицистик ижодга бўлган қизиқиши ёш қаламкашлар тўғрагага етаклайди. Бошланғич синфларда ўқиб юрган кезларида қатор шеърлари, турли мақолалари туман, вилоят ва республика матбуот нашрларида чоп этилди. Шу билан бир қаторда қаҳрамонимиз «Камалат» болалар ташкилотининг сардори, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши аъзоси, «Умид гунчалари» қўлғам журналист тахир ҳайъати аъзоси, «Ёш авлод кенгаши» болалар парламенти депутати, «ОАВ ва жамоатчилик билан ишлаш» кўмитаси раиси, адабиёт, тарих, фанлари бўйича фан олимпиадалари босқичи ғолиби бўлди.

2004 йилда Ф.Раҳимованинг «Фарзандингман, Ватаним» номидаги шеърини тўплами чоп этилиб, шу йилнинг ўзида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзоди кўрсатилади ва Хоразм вилояти бўйича танловда ғолибликни қўлга кириштириб, республика босқичида муваффақиятли иштирок этади. Журналистикага қизиқиши босиб 2006 йилда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетига давлат гранти асосида ўқишга киришга муваффақ бўлди. Факультетда халқаро журналистика назарияси ва амалиёти сирларини ўзлаштириш билан бирга инглиз ва хитой тилларини ҳам ўрганиб келмоқда. Шу даврга қадар Фариданинг олтидан зиёд турли жанрдаги журналистик чиқишлари, ўн иккита илмий мақолалари чоп этилган.

Фариди Раҳимов икки марта университет талабаларининг анъанавий илмий-амалий анжуманларида фаол қатнашиб, «Энг яхши маърузачи» сифатида совриндор бўлган. Шунингдек, кўп марта республика ёш олимларининг илмий-амалий анжуманларида ҳам қатнашган. Газета тахририятлари қошида ташкил этилган маҳорат мактабларида ҳам ижод сирларини ўрганиб, туркум мақолалар тайёрлагани учун «Энг яхши янгилик» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Айни пайтда профессор Назрулла Жўраев илмий раҳбарлигида «Сийёсатчи имиджи шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти» мавзусида илмий тадқиқот ишини олиб бормоқда. Мазкур мавзу йўналишида бир неча анжуманларда маърузалар ўқиб, илмий тўпламларда маъ-

қола ва тезислари билан қатнашди. Фариди амалий ва назарий билимларни эгаллашга, уларни амалиётга табиқ этишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Профессор-ўқитувчилар жамоаси ва талабаларнинг ҳурматини қозонган, тенгқурларини орасида кенг дунёқарашини, илмга чанқоқлигини билан аж-



ралиб туради. Чаққон ва сўзамол бу талаба факультетда, университетда ўқизиладиган қатор маданий ва маърифий тадбирларнинг ташаббускори, иштирокчиси. Тенгдошларини ўз атироғига тўғлай оладиган ва уларни бир эзгу мақсад сари етаклай билладиган лидерлик қобилиятига ҳам эгаллигини намойён этиб келмоқда.

Алишер Навоий стипендияси соҳибаси бўш вақтларида виртуал оламга мурожаат қилган ҳолда хорижда ўқийдиган дўстлари билан сўхбатлашди, дунё сахнасида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни кузатади, ҳар бир соҳада яратилаётган кашфиёт ва янгиликлардан хабардор бўлади. Хитой ва инглиз тилларини мукамил эгаллаш мақсадида тил марказларидаги ўқув дарсларига қатнашди.

«Мағлубиятларни енга олиш энг катта муваффақият» шiori остида олдинда кўйган мақсадларга еришишга ҳаракат қилаётган. Магистратура ва аспирантурада ўқишини давом эттирмоқчиман. Етуқ журналист даражасига эришиб, миллий ҳамда халқаро журналистика ривожига ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилганман, — дейди Фариди.

Келгусида бўлажак касбдошимиз тадқиқотчи олим ва халқаро журналист бўлиб етишишига ишониб қоламиз.

Дилрабо ОБИДОВА,
ЎЗМУ халқаро журналистика факультети талабаси

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ: ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилишга, иқтисодиёт, фан-техника, маданият ва хаво транспорти соҳаларида ҳамкорликка оид битимлар, шунингдек, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. 2009 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 189,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Мамлакатимизда франциялик сармоядорлар иштирокида 15 қўшма корхона тузилган. Франциянинг 15 компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ишбилармонлар ўртасидаги бевосита ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Франция ҳукуматлари комиссияси мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Бу ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканидан далолатдир.

— Франция Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор билан қарайди, — деди Франция Республикасининг ташқи савдо бўйича давлат қотиби, комиссия хамраиси Анн Мари Идрак хоним. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бораётгани ҳамкорлигимиз изчил тараққий этаётганидан далолатдир. Франциялик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликдан эъза мамнун. Ўзбекистон қўллаб-қувватлаш ҳамда сайёҳлик ва тоғ-кон саноати каби жабхаларда улкан салоҳиятга эга мамлакат. Бу йўналишларда узоқ муддатли шериклик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтиришдан манфаатдоримиз. Ўзбекистон ва Франция ишбилармонлари ҳамкорлиги келгусида юзасамаралар беришига ишонимиз.

Анжуманда франциялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг ёқилги-энергетика, кимё, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, автомобилсозлик, сайёҳлик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати каби соҳалардаги салоҳияти, «Навоий» эркин-индустриал иқтисодий зонасидаги имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу кунги Ўзбекистон ва Франция ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Форумда меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Анжуманда Франциянинг қатор йирик компанияларини қўллаб-қувватлаш ва Франциянинг ўзбекистон билан ҳамкорлигини ривожлантиришга қизиқиши нечоғли катта эканидан далолат.

Тадбирда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналар сонини ва ўзаро савдодаги маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Франциянинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атироғича фикр алмаштириди. Ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш учун банк-молия муассасалари алоқаларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Франция ишбилармон доиралари вакиллари иштирокчида кооперацион биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларни Францияга экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА муҳбири

Иқтисодиёт

ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТЛАР

Талаб даражасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бозори ҳар доим чаққон бўлади.

«Paferti» масъулияти чекланган жамияти ана шундай сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхона ҳисобланади. Замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган кетчуп, майонез, горчица, сирка — 40 хилдан зиёд маҳсулотлар харидор эътиборини тортадиган кўринишда қадоқланмоқда.

Жамоада 14 нафар ишчи меҳнат қилаётган бўлса, йил охирига яна ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилган бўлиб, яна 25 нафар йигит-қизга янги иш ўринлари яратилади.

Ўтган йилда корхонада яна битта цех ташкил этилиб, кўк ва қора чойларни қадоқлаш йўлга қўйилди. Умумий маҳсулот тайёрлаш ҳажми 140 миллион сўмини ташкил этди. Асосий рақобатбардор маҳсулотларга кун сайин талаб ортиб бормоқда.

Жорий йилда корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 200 миллион сўмга етказиш ҳамда узум, олма сиркаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шарофат БАҲРОМОВА

Яқинда пойтахтимизда «Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.



Танловлар

ТАШАББУСКОРЛИК — ЕТАКЧИЛИК МЕЗОНИ

Мазкур танлов Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан хотин-қизларнинг истеъдоди, маҳорати, изланиши ва салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган бўлиб, якуний босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Сенат аъзолари, турли давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Ахтам Турсунов давлат ва жамият қурилишида сиёсий партияларнинг фаолигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар устида тўхталиб ўтиб, хусусан, ЎЗМТДП томонидан ўтказилаётган турли маънавий-маърифий, илмий-амалий анжуманлар, кўрик-танловлар ҳам ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлардир, дея таъкидлаб ўтди.

— Ушбу танлов қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти тизимида фаолият юритаётган мутахассисларнинг ҳуқуқий ва сиёсий ташаббусини рағбатлантириш, партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, аъзоларнинг сиёсий онги ва маданиятини ошириш каби бир қатор хайрли

мақсадлар йўлида ташкил этилган, — деди ЎЗМТДП Марказий кенгаши бosh мутахассиси Ҳанифа Зокирова. — Уч босқичда ўтказилган бундай билимлар беллашуви кўплаб сиёсий етакчиларни аниқлашга хизмат қилмоқда.

Саралаш босқичларида муваффақиятли ўтиб, республика беллашувида қатнашаётганлар уч шарт бўйича бор маҳорат ва имкониятларини кўрсатди. «Ўзини таништириш маҳорати», «Глобаллашув жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятлар» ва «Агар мен депутат бўлсам» шартларида ҳар бир иштирокчининг профессионал даражаси, ҳуқуқий саводхонлиги, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаолиги ўз аксини топди.

Ҳайъат аъзолари зукко томошабинлар эътирофини ҳам эътиборга олган ҳолда биринчи ўринга Наманган вилояти вакили Нозима Рўзиматовани муносиб деб топди. Шунингдек, кўрик-танловда «Энг ташаббускор иштирокчи», «Энг билимдон иштирокчи», «Энг иқтидорли иштирокчи» каби номинациялар совриндорлари ҳам аниқланди.

— Ёшлар орасида энг фаол иштирокчи йўналишида совринчи бўлиб кiritганидан жуда хурсандман, — деди Навоий педагогика институти талаба-

си Дилафрўз Баҳридино ва. — Танловга тайёргарлик жараёнида шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий билимдонлик ортгани сари, фикринг ҳам тиниқлашиб, билим олишга иштиёқ янада ошар экан. Ғолиблик эса янада олдинга интилишга, ғайратли бўлишга ундайди.

— Мен Жиззах педагогика институти талабасиман, — дейди Камола Раҳимова. — Танловда асосий совриндорлар сафидан жой олишга ҳаракат қилдим. Бутун курсимиз билан тайёрланиб, билмаганларимизни бир-биримизга ўргатдик. «Энг назокатли иштирокчи» номинациясига сазовор бўлдим. Танлов боис янги дўстлар орттирдим, билим ва тажрибамни оширдим. Шу ўринда тенгқурларимга айтиб ўтмоқчиманки, биз, ёшлар учун кенг шароитлар яратилган. Шундай экан, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қилайлик.

Тадбирда ғолиб ва совриндорлар кимматбахо совғалар, фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Эл суйган хонандалар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар тадбирнинг янада файзли ўтишига хизмат қилди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА
Козим Улмасов олган сурат



Тиббиёт оламида
САРАТОНГА ҚАРШИ ВАКЦИНА
ЯРАТИЛДИ

Куба тиббиёт олимларининг илмий-тадқиқот изланишлари катта шов-шувли муваффақият билан яқунланди. Улар простата саратонига қарши вакцина синовларини муваффақиятли ўтказишди.

Кино оламида
«ШЕРЛОК ХОЛМС»
ДАВОМИ ЭКРАНЛАРГА
ЧИҚАДИ

Гай Ричининг "Шерлок Холмс" фильми давоми 2011 йилнинг 16 декабрида прокатга чиқадиган бўлди. Янги картина сюжети тафсилотлари ҳали ошкор қилинмапти.

Фазо янгилликлари
ОЙДА КАТТА ҲАЖМДАГИ СУВЛАР
ЯШИРИНГАН

Ойда ҳозиргача чамалаб келинганидан юз марталаб кўп сув бўлиши мумкин. Ерга келтирилган ой тупроғи ҳамда Ой сайёрасида юзага келган метеоритлар таҳлиладан кейин олимлар жамоаси шу хулосага келган.

Бу сирли дунё
ОСМОНДАН ЁҚҚАН...
БАЛИҚЛАР

Балиқларни териб олиш учун тенгдошлари билан Австралия футбол майдонларига боришганини айтиб берган. Гондурасдаги Йоро кишлоғи аҳолиси ҳар йили май - июль ойлари оралигида балиқ ёмғирлари мавсумида ховлиларига челек ва тоғоралар қўйиб қўйишаркан.

ЖАРдаги жаҳон чемпионати ўйинларининг гуруҳий босқичи хотирамиздан тобора йироқлашмоқда. Аммо мундиалнинг дастлабки икки ҳафтаси давомида кўпгина қизиқарли воқеаларнинг гувоҳи бўлдик.

Чемпионат атрофидаги гаплар
ГУРУҲ БОСҚИЧИДАГИ
ҚИЗИҚАРЛИ ВОҚЕАЛАР



аввало, Италия терма жамоаси ўз мухлисларига қутилмаган "тухфа" қилди. Жаҳоннинг ҳозирча амалдаги чемпиони ҳисобланган италяндлар Парагвай ва Янги Зеландия билан дастлабки учрашуларда дундаст билан кифояланишди.

боги мусобақаларига аранг илинишганди. Жамоа ичидаги жанжал-низоолар эса, мундиал финалчилари тақдир аянчи бўлишидан аломат эди.

моалари омадсизликларига фонда ўз қитъаларида ўйнаган Африка жамоаларининг аҳоли учна фожеали бўлмади, дейиш

рини бир маънода шов-шувли деб атасак бўлади. Америкаликлар инглизларни ортада қолдириб, В гуруҳида биринчи ўринни эгаллашган бўлса, кунчиқар мамлакат вакиллари Е гуруҳида номдор Дания ва Камерун жамоаларидан ўзиб кетишди.

маган ёки яхши таниш бўлмаган футболчи бир зумда жаҳон миқёсидаги юлдузга айланб қолади. ЖАРда ҳали шундай ҳодиса ялт этиб кўзга ташланмаётган бўлса...



иккаси инглизлар батамом ҳолдан тойдирилган нимчорак учрашувида бор маҳоратларини намойиш этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлишди.

4. Ҳакамлар ҳақида ҳамиша ва ҳамма ерда гапиришади. Жаҳон чемпионатидаку - асти кўяверасиз. Гуруҳлар босқичида АҚШ ва Словения терма жамоалари учрашувига ҳаммаси силлиқ кетаётганди.

5. Жаҳон чемпионатини кузатиб бораётган мухлислар эсида қоладиган яна бир воқеа - бу бутун ўйин давомида ўйингоҳ бўйлаб янграб турадиган вувузеллар оҳангидир.

Бирок, кундан-кунга норозилик ҳайкириклари пасайиб бориб. Боз устига, Африкадан бошқа қитъалар терма жамоалари мухлислари ҳам шу "сурнайлар"ни сотиб олиб, маҳаллий ишқибозлар сафига қўшилиб кетишди.

«САРИҚ КАРТОЧКА» МОНЕЛИК
ҚИЛМАЙДИ...

Финал учрашувида қатнашувчи "юлдузлар"га қўшимча имконияти яратиш мақсадида ФИФА "сарик карточкалар амнистияси" қоидасини ўзгартирди. Ҳозиргача иккинчи "сарик карточка"ни олган футболчи навбатдаги ўйинга қўйилмай келади.

ФИФА ХАТОНИ ЯШИРДИ

Англия - Германия ва Аргентина - Мексика жамоаларининг нимчорак босқич учрашувларида, ўйин тақдирини ҳал қиладиган даражада бўлмаса-да, ҳакамлар томонидан йўл қўйилган икки шов-шувли хатодан кейин ФИФА ЖАРдаги жаҳон чемпионати мобайнида ўйингоҳлар экранларида мунозарали лаҳзаларни тақрибий намойиш этишни таққиллаш тўғрисида қарор қабул қилди.

БИР ЧИМДИМ КУЛГИ

лардан иборат ёмғир қўйилган. АҚШдан тадқиқотчи Чарльз Форт (1874-1932) шунга ўхшаш ғайритабиий ҳодисалар ҳақида 60 мингдан ортиқ газета кесмаларини тўплаган экан.

томон юриб кетди. Лекин остонада тўхтаб, орқасига ўгирилди-да, шундай деди:
- Полкимизда иккита ашаддий ёлғончи бор, жаноб. Улардан бири - менман, чунки мен уйланмаганман.



Фарзандларимизнинг жисмонан бақувват, ақл-идроки етук, маънавий дунёси бой даражада камол топишига мамлакатимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда. Ушбу муштарак мақсад йўлидаги хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиш касаба уюшмаларининг ҳам асосий вазифаларига киради.

Ёз — ўтмоқда соз

УНУТИЛМАС ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Тошкент вилоятининг тоғ бағридаги баҳаво, табиат гўшаларида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида пойтахт меҳнаткашлари фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан биргаликда қорақалпоғистонлик болалар мароқли дам олмақда.

Ёз мавсумида шаҳар корхоналари, ташкилотлари тасарруфидани

сўлим оромгоҳларда қорақалпоғистонлик 2100 нафар ўғил-қизни дам олдириш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирга қадар 1040 нафар болалар соғлиғини мустаҳкамлаб, мароқли дам олди. Тошкент вилоятининг тоғ бағрида жойлашган «Сокол», «Белдерсой», «Ихтирочи», «Машъал» ва «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқарган 570 дан зиёд бо-

лажонларни кунни кеча Тошкент марказий темирйўл вокзалидан уйларига кузатиш маросими ўтказилди. Болаларнинг беғубор, самимий дил сўзлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

— Нукус шаҳридаги 2-мактабда ўқийман. Ҳавоси тоза, суви ширин, чиройли жойларда мароқ билан ҳордиқ чиқардик. Оромгоҳ менга жуда ҳам ёқди. «Моҳир қўллар»

тўрагагида бисер тикишга қатнашдим. Кўп дўстлар орттирдим, — деди Озода Жумамуродова.

— Кўнғирот туманиданман. «Ихтирочи» оромгоҳида кўп дўстларим билан мазза қилиб дам олдик, — деди Жамшид Жимбаев. — Оромгоҳда кўп вақтимни китоб ўқиш билан ўтказдим. Таомлар мазали экан. Руслан, Ислон, Саломат, Таваккал каби болалар билан дўстлашдим. Имкон туғилса, бу оромгоҳга албатта яна келаман.

Улуғбек ПЎЛТОВ
Козим Ўлмасов олган суратлар

Спорт янгиликлари

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Футбол бўйича уюштирилган Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг такрорий беллашувларидан сўнг мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Пахтакор» баҳсларни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

Гап шундаки, чорак финалнинг дастлабки беллашувида Тошкентда «Шўртан» жамоасига 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган Равшан Ҳайдаров шогирдлари Фузурда уюштирилган такрорий ўйинда мағлубият аламини олишининг уйдасидан чиқа олмади. Тенг курашлар остида кечган учрашув 1:1 ҳисобида яқунланди ва пахтакорчилар ярим финал йўлланмасидан маҳрум бўлди.

Аммо пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган амалдаги чемпион жамоа «Бунёдкор» «Андижон» командасини 3:1 ҳисобида енгиб, ярим финалда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди. Тошкентда ташкил этилган дастлабки баҳс ҳам Миржалол Қосимов шогирдларининг 4:1 ҳисобидаги ғалабаси билан яқунланган эди.

Самарқандда «Динамо» жамоаси меҳмони бўлган «Локомотив» гарчи мурасасиз беллашувда 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлсада, ярим финалда мусобақани давом эттирадиган бўлди. Чунки Тошкентда 3:1 ҳисобида «Локомотив» зафар қучган эди.

Чорак финалнинг «Локомотив-БФК» — «Нефтчи» баҳси 2:4 ҳисобида фарғоналикларнинг ғалабаси билан яқунланди. Дастлабки ўйинда ҳам фарғоналик футболчилар 3:0 ҳисобида зафар қучишган эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Кубогининг ярим финалида «Шўртан» — «Локомотив», «Нефтчи» — «Бунёдкор» жамоалари биллур соврин учун мурасасиз кураш олиб боради.

Алишер (исм-шарифлар ўзгартирилган) тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлаганида, яқинлари хурсанд бўлишганди. Тегишли равишда ҳужжатларини расмийлаштириб, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва яхшигина даромад ҳам ола бошлади. Лекин бугун у «қора курси»да ўтирибди. Унинг бу ҳолга тушишига аввало ўзи, нафси айбдор...

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Лекин бу ҳам унинг кўнглини хотиржам қила олмади. Охир оқибат гап нимада эканидан хабар топган тоға бор гапни ишчи йигитларнинг ота-онасига шунингдек Солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши курашиш департаменти Юнусобод тумани ходимларига етказди.

Текширувда аниқланишича, А.Ҳошимов йиллар давомида қўл остидаги ишчиларига нисбатан адолатсиз муносабатда бўлиб келган. Ҳатто ўз ишчиларини колбаса ўғирлашда айблаб, зўравонлик билан кўрқитиб, тилхат ёздириб олган. Баъзида уйга кетиш чоғида ишчиларига ишонмаган

ҳолда, уларнинг устидан эшикни қулфлаб кетган. Бир сўз билан айтганда, ўз ишчиларига нисбатан инсоний муносабатда бўлмаган.

Суд залида ўз айбига иқдор бўлган А.Ҳошимов қилган ишдан пушаймон бўлди. Аммо жиноятга жазо муқаррар. Суд ҳукмига кўра, А.Ҳошимов бир неча йилга озодликдан маҳрум этилди.

Борийхон МУХТОРХОНОВ,
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Юнусобод тумани катта инспектори

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда миллионлар ўйини — футболни ривожлантиришга, айниқса болалар футболни такомиллаштиришга катта эътибор қаратиляпти. Болалар футболда амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАРНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Кунни кеча Испания пойтахти Мадрид шаҳрида футбол бўйича 1996 йилда туғилган ўсмирлардан таркиб топган жамоалар ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Жаҳон болалар футболни кун муносабати билан уюштирилган мазкур халқаро турнирда Ватанимиз шарафини «Пахтакор» футбол клуби академияси жамоаси ҳимоя қилди. Қувонарли жиҳати шундаки, иктидорли мураббий Дилшод Нуралиев етакчилигида турнирга пухта ҳозирлик кўрган ёш пахтакорчилар Европа китасининг номдор жамоалари билан беллашиб, барча учрашувларни ғалаба билан яқунлади ва турнир голиблигини қўлга кирит-

ди. Дастлаб «Адарве»ни 3:1 ҳисобида енга олган футболчиларимиз «Атлетико» ва «Сан Фернандо» клубларини бир хил — 2:0 ҳисобида доғда қолдирди. Ярим финалда «Алькобендас»ни 2:1 ҳисобида мағлуб этган ҳамшаҳарларимизга финалда «Депортиво — Алкала» жамоасини ҳам енгил қийин кечмади. Учрашув 4:0 ҳисобида яқунланди.

Дарвоқе, «Пахтакор-1996» жамоаси ўтган йили Украина пойтахти Киев шаҳрида ташкиллаштирилган халқаро турнирда ҳам муваффақиятли қатнашиб, бош совринни қўлга киритган эди.

Акбар Йўлдошев

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ малакали мутахассисларни банкнинг муҳандислик лавозимига ишга таклиф этади

Малака талаблари:
Маълумоти — техникавий олий (муҳандис-курувчи, муҳандис-технолог).
Мутахассислиги — саноат-фуқаро қурилиши, энергетика, нефтьгаз соҳаси объектларини қуриш, ирригация, йўл қурилиши.
Мутахассислиги бўйича иш тажрибаси — 5 йилдан кам бўлмаган.
Ёши — 30 дан 45 гача.
Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй,
«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
Маълумот учун телефонлар: 120-45-52, 236-77-00

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Ким айтди: «Ростликдан эгрилик яхши?»

Ёлгон сўз бўлмагай ҳеч яхши хунар.

Донгдорликдан кўра хунар кўп афзал.

Айбингни юзингга айтган ҳар киши,

Ростликка юз тутмиш, дўстликдир иши.

Нодонлик — тақдирга кўтармак теша.

Кишига охирги либосинг берсанг,

Тезлик қилма ундан ёмонлик кўрсанг.

Агар у юзингга урса шапалоқ, Бу зарбадан бўлса юз моматалоқ.

Зулм йўлин тутма, айлама газаб,

Юзига гуноҳин солиб очма лаб.

Ёмонликни асло айлама одат, Озга қаноат қил,

Очликка тоқат. Ёмонлик учраса дема ёмонлик,

Ундан беозор ўт, топгил омонлик.

Баланд сарой қуриб қилгандан обод

Яхшидир бир ғариб дилин қилсанг шод.

Кимки тўғрилиқни ўйламас дилдан,

Нафратга сазовор ул киши чиндан.

Худо неъматларин олийси идрок,

Ақлни васф этар кимки дили пок.

Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод,

Ҳар икки оламда ақлли обод.

Агар ақли хира бўлса ҳар инсон,

Шодликка эриша олмас бир замон.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
3840 нускада босилди.
Қўғи босими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.